

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

ПАРЛАМЕНТ ХАБАРЛАРИ

7 та қонун маъқулланди, биттаси рад этилди

7 август куни Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси видеоконференц-алоқа тарзида бўлиб ўтди.

Дастлаб янги таҳрирдаги «Таълим тўғрисида»ги Қонун муҳокама қилинди. Ушбу Қонун 1997 йилда қабул қилинган бўлиб, таълим сифатини таъминлашга қўйилаётган бугунги талабларга жавоб бермайди.

Янги таҳрирдаги Қонуннинг қабул қилиниши таълим масаласининг тарбия билан узвий боғлиқлигини таъминлайди. Мактабгача таълим ва тарбия масаласига ҳамда узлуксиз таълим турини қўллашга алоҳида эътибор қаратилади.

Бошланғич, касб-хунар таълими, касб-хунар мактабларида IX синф битирувчилари негизда белул асосда кундузги таълим шаклида умумтаълим ва мутахассислик фанларининг икки йиллик интеграциялашган дастурлари асосида таълим амалга оширилиши белгиланмоқда.

Сенаторлар томонидан Қонун кўплаб ҳамюртларимиз олий таълим, хорижда олинган таълим бўйича дипломларни тан олиш, таълим олувчилар учун вақтинча яшаш жойларини кафолатлаш, масофавий таълим, оилавий таълим, инклюзив таълим сингари ўз саволларига ечим топишга қўйналаётган масалаларга ҳуқуқий ойдинлик киритилгани билан аҳамият-ли бўлиши таъкидланди.

Сенаторлар томонидан янги таҳрирдаги «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги Қонуни кўриб чиқилди.

Қонунда биринчи марта касбий малака ва компетенцияни ривожлантириш миллий тизими, меҳнат дафтарчалари ва шартномаларини электрон ҳисобини юритишни назарда тутувчи ягона миллий меҳнат тизими жорий этилмоқда. Уларнинг киритилиши бандликни таъминлашнинг зарурий шarti ҳисобланиб, меҳнат бозори тўғрисида тўлиқ маълумот тўплаш ва олишга имкон беради.

Бугунги кунда одам савдосидан жабрланганларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам бериш масалаларига доир аниқ қоидалар тартибга солинмаган ҳамда вояга етмаганларнинг савдосига қарши курашишни ўзига хос хусусиятлари, идентификация қилиш, ёрдам бериш ва ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий мақоми белгиланмаган. Сенатнинг ялпи мажлисида маъқулланган янги таҳрирдаги «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунда айна ушбу жиҳатларга эътибор қаратилган.

«Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши тўғрисида»ги Қонун маъқулланди.

Амалдаги 1996 йилда қабул қилинган Қонундан фарqli равишда Қонунда ҳудудий тузилиш масалалари бўйича қарор қабул қилишда давлат органларининг ваколатлари ва вазифалари аниқ белгилаб қўйилади. Ҳужжатда Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиши масалалари бўйича тақлифларни давлат экспертизасидан ўтказиш механизмлари ўрнатилган ва мазкур масалаларда махсус комиссиялар тузиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш ҳуқуқий нормалар асосида белгиланади.

Сенаторлар томонидан «Қишлоқ хўжалиги ўсимликларини зарарқунданлар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун рад этилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини реализация қилишда ўсимликларнинг касалликларга учрамаганлиги юзасидан халқаро стандартларга риоя этилиши талаб этилади. Мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари борасида аҳолининг хавфсизлигини таъминлаш бевосита ушбу масала билан боғлиқдир. Экспертларнинг фикрича, муҳокама қилинаётган қонун мазкур соҳада қўйиладиган талабларга мувофиқ бўлиши лозим. Қонун ҳар томонлама ўрганиб чиқилгандан сўнг уни тамомила қайта кўриб чиқиш зарур деган ҳулосага келинди.

Мажлисида Сенат аъзолари «Қонун ижодкорлиги ҳамда парламент назорати жарёнлари янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунни ҳам кўриб чиқдилар.

Киритилаётган ўзгартишга асосан Қонунчилик палатаси ва Сенат ҳуқуқат аъзолари ва давлат органлари раҳбарларидан ташқари хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ҳам ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшитишни мумкинлиги мустаҳкамланди.

Парламент назоратининг тури ҳисобланмиш парламент текшируви институтини жонлантириш ва кенгроқ қўллаш амалиётини жорий қилинмоқда. Қонун билан парламент текшируви Қонунчилик палатасининг ёки Сенатнинг алоҳида қарори билан ёхуд Олий Мажлис палаталарининг қўшма қарори билан ўтказилиши мумкинлиги белгиланмоқда.

«Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун муҳокама қилинди.

Ўзгартиш ва қўшимчалар киритишдан кўзланган асосий мақсад:

> ҳарбий хизматга қабул қилиш ва ҳарбий хизматдан бўшатиш мезонларини аниқ белгилаб бериш;

> сержант унвони ўрнига янгидан киритилган I, II, III даражали сержант унвонлари ҳамда кема таркибидидаги унвонларда бўлган ўзгаришларни қонун ҳужжатларида акс эттириш;

> илгари Мудофаа вазирлиги ваколатида бўлган ҳарбий кийим-кечақда юриш тартиб-қоидаларини белгилаш ваколатини куч тузилмалари мавжуд вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг раҳбарларига бериш;

> олий таълим муассасаларида резервадаги ва захирадаги офицерларни тайёрлаш ҳарбий тайёргарлик ўқув марказлари ва курсларида олиб борилиши мумкинлигини белгилаш.

Сенат мажлисида «Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун муҳокама қилинди.

2018 йилда қабул қилинган Қонуннинг қўлланиши жараёнида, агентликлар чет элда ишлаш истагини билдирган фуқаролардан маблағлар йиғиб олиб, эгаларини ишга жойлаштирмасдан маблағларни талон-торож қилиш ҳолатларига йўл қўйилгани таъкидланди.

Мазкур қонун билан бу каби салбий ҳолатларга барҳам бериш мақсадида чет эллардан иш қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни иш қидираётган шахслардан эмас, балки иш берувчидан ундириш белгиланмоқда.

Иш билан таъминлашда бандлик агентликлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар шаффофлигини таъминлаш мақсадида кўрсатадиган хизматлар бўйича шартномалар Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг ахборот тизимида реал вақт режимида рўйхатдан ўтказиб борилади.

Республикадан ташқарида иш қидираётган фуқароларимизни ишга жойлаштириш кафолатларини ошириш мақсадида хусусий бандлик агентликларининг чет эллик иш берувчи, шериклар билан ёзма шаклда ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузиши ҳам зарурий шарт қилиб белгиланган. Сенаторлар томонидан ушбу Қонун маъқулланди.

norma.uz

Қурилиш: коррупциянинг олдини олишда хорижий давлатлар тажрибаси қандай?

Мамлакатимиз бугунги кунда жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Ялпи ички маҳсулот ҳажми йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш, экспорт ҳажмини кўпайтириш давлат раҳбари томонидан иқтисодий сектор вакилларига қўйилаётган энг устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Бу вазифаларни самарали бажариш учун эса аввало коррупцияни бартараф этиш лозим бўлади.

Қурилиш соҳаси иқтисодийнинг барча секторлари учун локомотив вазифасини ўтайди. Зеро, ҳар бир мамлакатнинг халқаро майдондаги обрўйи ва

жозибдорлигини ушбу юртда мавжуд бўлган энг машҳур архитектура намуналари кўрсатиб беради. Прогнозларга асосан,



АСР МУАММОСИ



Ушбу сонда

2-БЕТ

Нафақаларни олиш осонлашдимиз?

3-6-БЕТЛАР

Қандай иш даврлари тадбиркорнинг стажига қўшилади? Муддатидан олдин пенсияга чиқмоқчиман

8-БЕТ

Махсус поликлиникалар ходимларининг маошига қанча қўшилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



Давлат статистика қўмитасининг ваколатлари кенгайтирилди

Президент томонидан миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари белгиланди (3.08.2020 йилдаги ПҚ-4796-сон қарор).

Энг аввало, Давлат статистика қўмитасининг барча давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимлари – маҳаллий ҳокимиятлардан мустақиллиги тамойили мустаҳкамланди. Тегишинча, Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши раиси ва ҳокимлар энди Давлат статистика қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари номзодларини тақдим этишмайди.

Статистика органларининг фаолиятига, шу жумладан, расмий статистика ҳисоботлари ва кузатувларини ўтказиш ҳамда уларни нашр қилиш ва эълон қилиш жараёнларига ҳар қандай тарзда аралаштириш тақиқланди. Қўмита томонидан эълон

қилинадиган статистика маълумотлари расмий статистика ахбороти ҳисобланади.

Шунингдек, Қўмита қўйидаги ҳуқуқларга эга бўлди:

➢ бошқа расмий статистика ишлаб чиқарувчиларнинг статистика методологияларини халқаро стандартларга мувофиқлиги юзасидан аудитдан ўтказиш. Аудит натижаларига кўра, вазирлик ва идораларга бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

➢ кузатувларни ўтказиш, расмий статистика материалларини шакллантириш ва таҳлилларни амалга ошириш мақсадида вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари билан ўзаро электрон боғланиш. Вазирлик ва идоралар раҳбарлари Давлат статистика қўмитасининг сўровига мувофиқ ўзларининг ахборот тизимларига кириш ва ундан эркин фойдаланишни таъминлаш учун шахсан жавобгар бўладилар.

Ислоҳот Қўмита ҳузуридаги Статистика кенгашига ҳам дахл қилади. Эслатиб ўтамиз, бу ўз ишини жа-

моатчилик асосида олиб борадиган, доимий фаолият юритувчи маслаҳат-кенгаш органидир. Унга қўйидаги қўшимча вазифалар юклатилди:

➢ Қўмитанинг фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифларни ва фойдаланувчиларнинг расмий статистика маълумотларига бўлган эҳтиёжларини қаноатлантириш механизмларини ишлаб чиқиш;

➢ статистика маълумотларининг шаффофлиги, ошқоралиги ва қўлайлигини оширишни таъминлаш;

➢ Қўмита томонидан долзарб, сифатли ва ишончли статистиканинг шакллантирилишига кўмаклашиш;

➢ мавжуд статистика маълумотлари ҳақида жамоатчиликнинг хабардорлигини ҳамда уларнинг статистика маълумотларига бўлган ишончини ошириш учун фойдаланувчилар билан яқиндан алоқа ўрнатиш.

Жамоатчилик кенгаши фаолиятига ННТ, бизнес, ОАВ вакиллари, олимлар, миллий ва халқаро экспертлар жалб қилинади. Ҳар йили 1 декабрга қадар келаси йил учун Давлат статистика ишлари дастури Жамоатчилик кенгашига келишиш учун тақдим этилади, 1 октябрга қадар эса жорий йил дастурининг бажарилиши натижалари тўғрисидаги ҳисобот Статистика кенгашига келиб тушиши керак.

Давлат статистика қўмитасига рўйхатта олиш жараёнларини ташкил этиш ва ўтказиш учун 65 та қўшимча штат бирлиги солиқ органлари штатини мақбуллаштириш ҳисобида ажратилди. Улардан 17 таси марказий аппаратта, 48 таси ҳудудий бошқармаларга берилади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 4.08.2020 йилдан кучга кирди.

Ижтимоий нафақаларни олиш соддалаштирилди

Президентнинг «Аҳолига давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдам тақдим этиш тартиб-таомилларини автоматлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорига» (3.08.2020 йилдаги ПҚ-4797-сон) мувофиқ 1 сентябрдан бошлаб ижтимоий нафақаларни тайинлаш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш ва уларни тайинлаш босқичма-босқич автоматлаштирилади.

Бунинг учун «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими ишга туширилади, у 2019 йилнинг октябрь ойидан бошлаб Сирдарё вилоятида (ВМнинг 13.04.2019 йилдаги 308-сон қарори) қўйидагиларни тайинлаш ва тўлашда синовдан ўтказилди:

➢ бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парварishi қилиш нафақаси;

➢ 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа;

➢ кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам.

Тизимни ишлаб чиқиш ва жорий этиш ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси гранти асосида бериладиган молиявий, техник ва эксперт кўмаги асосида амалга оширилмоқда. Компьютер ускуналари ва периферия қурилмаларини сотиб олиш Жаҳон банки имтиёзли кредити ҳисобига амалга оширилади.

Тизим «Электрон ҳукумат»нинг таркибий қисми бўлганлиги боис, ижтимоий хизматлар ёки ёрдамни тақдим этишда давлат органлари ва ташкилотлари электрон форматда ўзаро ҳамкорлик қиладилар. Фуқаролар тизимда жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР) бўйича идентификация қилинадилар:

«Ягона реестр» АТда маълумотларни рўйхатдан ўтказишда ариза берувчи ва унинг оила аъзолари номига олинган пул ўтказмалари ва очилган депо-

зит ҳисобварақларидаги қолдиқлари тўғрисидаги маълумотлар – уларнинг розилиги билан, маълумотлар тақдим этиш махфийлиги ва ёпиқлигини таъминлаш асосида ўрганилади;

Мудофаа вазирлиги, ИИБ, ФВВ, ПДХХ, Миллий гвардия, ДХХ, ДБҚ, Мудофаа саноати бўйича давлат қўмитаси ўзларининг ҳамда таркибидagi ташкилотларнинг хизматчи ва ходимлари, уларнинг турмуш ўртови ва болалари «Ягона реестр» АТга ариза бера олинмайди.

Тизимнинг функционал имкониятлари босқичма-босқич кенгайтирилади. Мисол учун, йил якунига қадар ариза берувчининг оила аъзолари таркибини аниқлаш имконияти жорий этилиши керак («ФХД»нинг ягона электрон архиви»да уларнинг ЖШШИР ўзаро ҳамкорлиги йўли билан). Шундан кейин ижтимоий нафақаларни тайинлаш учун аризаларни электрон тарзда онлайн режимида бериш мумкин бўлади.

Шунингдек, ҳужжат билан қўйидаги ўзгаришлар назарда тутилган:

биринчидан, 2021 йил 1 январдан бошлаб давлат ижтимоий хизматларини ва ёрдамни кўрсатишда фуқаролардан қўйидаги маълумотномаларни талаб этиш тақиқланади:

➢ доимий яшаш учун рўйхатдан ўтганлик тўғрисида маълумотнома;

➢ оила таркиби, болалар сони ва уларнинг ёши тўғрисидаги маълумот-

нома, туғилганлик, вафот этганлик, турмуш қурганлик ва ажрашганлик тўғрисидаги гувоҳнома;

➢ автотранспорт воситаси мавжудлиги ва унинг техник ҳолати тўғрисида;

➢ оиланинг (оила аъзоларининг) расмий даромадлари тўғрисида;

➢ кўчмас мулкнинг мавжудлиги, кўчмас мулк ҳажми, фойдаланувда бўлган ернинг бонитети тўғрисида;

➢ иш қидирувчи, ишсиз, жамоат ишлари билан бандлик мақоми берилганлиги тўғрисида;

➢ пенсия ва нафақа кўринишидаги даромадлари, 1 ва 2-гuruh ногиронлиги бўлган шахслар эканлиги тўғрисида;

➢ меҳнат фаолияти билан вақтинча шугулланиш имкониятини бермайдиган касалликнинг мавжудлиги, ногиронлик гуруҳининг мавжудлиги, доимий парварishiга муҳтож оила аъзоларининг мавжудлиги тўғрисида;

➢ банк пластик картасининг мавжудлиги, тўловлар ва ведомостларни юбориш, тўланган маблағлар тўғрисидаги ҳисоботлар, оила аъзоларига келиб тушган пул ўтказмалари, банк пластик картаси қолдиқлари тўғрисида;

➢ оила аъзоларининг қимматли қўғозлар билан амалга оширган операциялари, дивидендлар олинганлиги тўғрисида;

➢ талабалар сафида мавжудлиги, стипендия мақдори, ўқув шакли (кундузги, сиртки ўқиш тури) (давлат гранти, тўлов-контракт) тўғрисида.

иккинчидан, кам таъминланган деб эътироф этилган шахслар ва оилалар «Ягона реестр» АТ воситасида қўшимча ҳужжатлар ва маълумотномаларни

тақдим этмасдан қўйидаги хизматлар ва имтиёзларни оладилар:

➢ давлат мактабгача таълим муассасаларида ота-оналар тўловидан озод этиш;

➢ мактабгача таълим муассасаларида ўрнатилган миқдорларда ота-оналар тўловини тўлаш;

➢ умумий ўрта таълим мактабларида дарсликлар ижара тўловларидан озод этиш;

➢ умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари учун қишки кийим-бош бериш;

➢ айрим фанларни ўқитишга ихтисослаштирилган умумий ўрта мактаблар ўқувчиларини овқатланиш харажатларидан озод этиш;

➢ «санъат мактаблари, мусиқа мактаблари, «Баркамол авлод» марказлари ва бошқа мактабдан ташқари таълим муассасаларида ўқиш харажатларидан озод этиш;

➢ кам таъминланган оилаларнинг ногирон аъзоларини протез-ортопедия буюмлари билан таъминлаш;

➢ ихтисослаштирилган тиббиёт муассасаларида бепул махсус амбулатор ёки кундузги тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича йўлланма (ордер) олиш;

учинчидан, «Ягона реестр» АТ орқали кам таъминланган деб эътироф этилганлик тўғрисида маълумотномани ЯИДХП орқали олиш мумкин. У 12 ой давомида амал қилади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 5.08.2020 йилдан кучга кирди.

Олег Заманов, «Norma» МЧЖ эксперти.

● ПАРЛАМЕНТ ХАБАРЛАРИ
– 7 та Қонун маъқулланди, биттаси рад этилди **1-бет**
● АСР МУАММОСИ
– Қурилиш: коррупциянинг олдини олишда хорижий давлатлар тажрибаси қандай? **1, 7-бетлар**
● ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Давлат статистика қўмитасининг ваколатлари кенгайтирилди
– Ижтимоий нафақаларни олиш соддалаштирилди
– Томорқа ерларига сув чиқариш учун давлат субсидия ажратади
– Пандемияга қарши курашиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар жорий этилмоқда **2, 8-бетлар**

● ПЕНСИЯ ИШИ
– 1 сентябрдан пенсия ва нафақалар 10%га оширилади
– Ҳамма қаторими?
– Асос мавжуд бўлганда
– Стаж учун қаерга бориш керак?
– Пенсияга – мuddатидан олдин
– Бир шартга кўра
– Келажақ учун **3-6-бетлар**

– Бирйўла олиш мумкин
– Пенсия миқдорини билишни хоҳлайсизми? Бу жуда осон!
– Ҳар йилги қайта ҳисоб-китоб
– Барча мажбуриятлар бажарилади
– Пенсиядан олдинги тўловлар
– Ўзингизни текшириб кўринг **3-6-бетлар**

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмасликка, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақидаги ахборотни учинчи шахсларга бермасликка ҳақли.

«Norma маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат «NORMA davry nashrlari» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

ПЕНСИЯ ИШИ



Махсус мавзувий сон*

Ушбу нашрнинг мавзуси турличадир. Бироқ давлат муассасаларида ишламайдиган, балки тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган шахсларга доир масалаларга алоҳида эътибор қаратилган. «Norma» компанияси эксперти якка тартибдаги тадбиркорларга пенсия таъминотининг айрим жиҳатларини тушунтириб беради.

Қонунчиликдаги янгиликлар

1 сентябрдан пенсия ва нафақалар 10%га оширилади

Бу Президентнинг «Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида (30.07.2020 йилдаги ПФ-6038-сон) назарда тутилган.

Пенсия ва нафақаларнинг энг кам миқдори 10%га оширилади. 1 сентябрдан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

➢ пенсия ҳисоблашнинг базавий миқдори – ойига 262 470 сўм¹;

➢ ёшга доир энг кам пенсия – ойига 513 350 сўм;

➢ болаликдан ногиронлиги бўлган шахслар-

га бериладиган нафақа – ойига 513 350 сўм;

➢ зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа – ойига 315 030 сўм этиб белгилади.

Эслатиб ўтамыз, бундан олдинги индексациялаш жорий йилнинг 1 февралда 7% миқдорида амалга оширилган эди.

БУГУНГИ СОНДА:

ҲАММА ҚАТОРИМИ?

Тадбиркор учун
пенсия

2

КЕЛАЖАК УЧУН

Томорқада
ишлайдиган

5

бўлсангиз...

ПЕНСИЯ МИҚДОРИНИ

БИЛИШНИ

ХОҲЛАЙСИЗМИ?

БУ ЖУДА ОСОН!

6

АКТ – амалда

ЎЗИНГИЗНИ СИНАБ

КЎРИНГ

Ақл машқлари

8

Маълумот учун!

Фармонда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори ва базавий ҳисоблаш миқдорини² ошириш назарда тутилмаган. Улар амалдаги – тегишинча ойига 679 330 сўм ва 223 000 сўм миқдорларида қолдирилади.

¹Пенсиялар, устамалар, қўшимча тўловлар ва пенсия таъминоти соҳасидаги, шунингдек меҳнат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳолда ходимларнинг майиб бўлиши, касб касалликларига чалиниши ёки соғлиғига бошқача тарзда шикаст етказилганда зарарни қоплаш учун компенсацияларни ҳисоблашда қўлланилади.

²Қўйидагиларни белгилашда қўлланилади:

солиқлар, йўллар, жарималар, давлат божлари ва тақдим этилган давлат хизматлари учун бошқа тўловлар миқдорлари;

патент, лицензия ва муайян турдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун бошқа тўловлар қиймати, ташкилотларнинг устас ва бошқа фондлари (капитали) миқдори, пул кўринишида бўлмаган воситалар билан тўланадиган акциялар, бошқа қимматли қоғозлар қиймати, юридик шахслар активларининг баланс қиймати, микрокредит ва лизингнинг чекланган миқдорлари, шунингдек бошқа молиявий-иқтисодий курсаткичлар.

Мавзувий сонни Алла Ромашко олиб боради.

Экспертдан сўранг

Ҳамма қаторими?

Давлат муассасаларида ишламайдиган, балки тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган шахсларнинг мурожаатлари ушбу материални тайёрлашга туртки бўлди. Яқка тартибдаги тадбиркорларнинг саволларига «Norma» компанияси эксперти Зафаржон Хўжаев жавоб беради.

– Оилавий бизнесимиз бор – кичик меҳмонхонани юртамиз. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига бадаллар тўлаймиз. Келгусида яхши пенсия олиш учун қандай миқдорда бадал тўлаш лозим?

– Пенсия тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ пенсия миқдори стажнинг давомийлигига боғлиқ ва пенсиянинг базавий миқдори, талаб этиладиган иш стажидан ортиқча ҳажми ва пенсияга устамалардан иборат («Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 25-28-моддалари). Пенсия ҳисоблашнинг базавий миқдори асосини ўртача ойлик иш ҳақи ташкил этади, у ишдаги мавжуд танаффуслардан қатъи назар, охириги 10 йиллик меҳнат фаолияти давомидаги исталган кетма-кет 5 йилдаги (пенсия сўраб мурожаат этган кишининг танлови бўйича) иш ҳақи олинади (Қонуннинг 31-моддаси).

Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун иш ҳақига куйидагилар қўшилади:

> 2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун – қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурта бадаллари ҳисобланадиган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги барча даромадлар;

> 2019 йил 1 январдан кейинги давр учун – қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги барча даромадлар (Қонуннинг 32-моддаси).

Пенсия ҳисоблаш учун пенсия ҳисоблашнинг базавий миқдорининг 10 бараваридан ортиқ бўлмаган миқдордаги ўртача ойлик иш ҳақи олинади.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиққан ҳолда яхши пенсия олиш учун:

> биринчидан, иш стажининг давомийлиги юқори бўлиши лозим: эркаклар учун – 25 йилдан, аёллар учун – 20 йилдан ортиқ бўлиши керак (Қонуннинг 7-моддаси);

> иккинчидан, меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар пенсия ҳисоблашнинг базавий миқдорининг 10 бараваридан кам бўлмаслиги лозим (ПХБМ – 238 610 сўм).

– Қандай иш давлари тадбиркорнинг стажига қўшилади? У қандай ҳужжатлар билан расмийлаштирилади?

– 2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун – бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари, 2019 йил 1 январдан кейинги давр учун – ягона ижтимоий тўлов (ЯИТ) тўланган тақдирда, ушбу даврлар тадбиркорнинг иш стажига қўшилади (Қонуннинг 37-моддаси «г» банди).

Куйидагилар 2019 йил 1 январгача бўлган давр учун – суғурта бадаллари ва 2019 йил 1 январдан кейинги давр учун – Пенсия жамғармасига ягона ижтимоий солиқ куйи-



даги даврлар учун тўланганлиги далилини тасдиқловчи асосий ҳужжатлар ҳисобланади:

> 2018 йилга қадар – Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланганлигини тасдиқловчи банк квитанциялари ва тўлов ҳужжатлари;

> 2018 йилдан бошлаб – давлат солиқ органларининг маълумотлари (Низомнинг 23-банди, ВМнинг 22.02.2016 йилдаги 46-сон қарорига 1-шлова).

– Ҳозир, пандемия шароитида кўпчилик тадбиркорлар ўз фаолиятини тўхтатиб турибдилар. Фаолият тикланганидан кейин барча «ишланмаган» даврлар учун ПЖга бадалларни бирйўла тўлаш мумкинми?

– Йўқ. Тадбиркор фаолияти вақтинчалик тўхтатилганлиги ҳақида солиқ органларини расман хабардор қилган бўлса, тегишинча, фаолият вақтинчалик тўхтатилган давр учун тегишли тўловларни тўламайди (СК 392-м. 5, 6-қ.).

– Пенсия ҳисоблашда ЯТТнинг даромади қандай аниқланади?

– Пенсия миқдорини ҳисоблаш чиқаришда ҳисобга олинмаган муайян ой (йил) учун яқка тартибдаги тадбиркорнинг (деҳқон хўжалиги аъзосининг) даромади куйидагича аниқланади:

> 2019 йил 1 январгача бўлган давр учун – Пенсия жамғармасига тўланган ойлик (йиллик) суғурта бадаллари суммасини ЯИТ (микрофирмалар ва кичик корхоналар, шунингдек фермер хўжаликлари учун) ва фуқароларнинг суғурта бадалларининг жами ставкасига бўлиш орқали;

> 2019 йил 1 январдан кейинги давр учун – ЯИТ суммасини ягона ижтимоий тўловнинг (микрофирмалар ва кичик корхоналар, шунингдек фермер хўжаликлари учун) амалдаги ставкасига бўлиш ва ҳосил бўлган натижани 100 га кўпайтириш орқали.

Маевузий сонни Алла Ромашко олиб боради.

МИСОЛ. Якка тартибдаги тадбиркор 2020 йил март ойи учун 250 минг сўм ЯИТ тўлаган. Тегишинча, 2020 йил март ойи учун ЯТТ даромади куйидаги миқдорни ташкил этади:
 250 000 × 100 / 12 = 2 083 333,33 сўм, бунда 12 – микрофирмалар ва кичик корхоналар, шунингдек фермер ҳўжа-ликлари учун ЯИТ ставкаси.

Якка тартибдаги тадбиркор ёллаган ходимнинг, шунингдек оилавий тадбиркорлик субъектининг оила аъзо-сининг пенсия миқдорини ҳисоблаб чиқаришда ҳисобга олинадиган муйайн ой учун даромади куйидаги тартибда тўланган ойлар учун қонун ҳўжжатларида белгиланган меҳнатга ҳўқ тўлашининг энг кам миқдорига тенг миқдорда олинади:

> 2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун – Пенсия жамғармасига сўгурта бадаллари;

> 2019 йил 1 январдан кейинги давр учун – ЯИТ (Низомнинг 39-банди).

– Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотини – томат пастасини ишлаб чиқарамиз. Тўлиқ ишланган йил учун бадаллар тўланмаган бўлса (8 ой мобайнида), ушбу давр иш стажига қўшилиладими?

– Бунда ҳўлатни аниқлаштириш лозим. Сиз ЯТТ сифатида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқараётган бўлсангиз, у ҳолда фақат ЯТТ зарур бадалларни тўлаган даврлар, яъни ЯИТ тўланган тақдирда иш

стажига қўшилади.

Юридик шахс шаклида фаолият юритаётган бўлсангиз, ЯИТ тўланганидан қатъи назар, меҳнатга ҳўқ тўлаш тарзидаги даромадлар ҳисобланган тақдирда ходим томонидан ҳар қандай ишлар бажарилган давр стажга қўшилади (252-сон Низомнинг 35-банди «а» кичик банди).

– Қандай ҳўлатларда тадбиркор пенсия олишга, қандай ҳўлатларда эса нафақа олишга ҳўқли бўлади?

– Барча учун тартиб бир хил. Ёшга доир пенсия олиш учун камида 7 йил иш стажига эга бўлиш лозим (Қонуннинг 37-моддаси 1-қисми «а»–«г» бандлари).

Иш стажини 7 йилдан кам бўлганда ёшга доир пенсияга чиқиш ҳўқуқи мавжуд бўлмайд. Бунда эркаклар 65 ёшга, аёллар эса 60 ёшга тўлганида ёшга доир нафақа олиш ҳўқуқига эга бўладилар (Низомнинг 6-банди, ВМнинг 7.04.2011 йилдаги 107-сон қарорига 2-илова).

Маълумот учун!

Кексалар, ногиронлар ва ёлғиз фуқароларга хизмат кўрсатиш билан бевосита банд бўлган **ИЖТИМОЙ ХОДИМЛАР** умумбелгиланган ёшни 5 йилга қисқартирган ҳолда имтиёзли пенсияга чиқиш **ҲўҚУҚИГА** эга бўладилар.

Телефон орқали савол

Асос мавжуд бўлганда

? **Амаким 30 йиллик ҳўйдоечилик стажига эга. У 60 ёшга тўлмасдан олдин пенсияга чиқиши мумкинми?**

– Куйидагилар ёшга доир пенсияга чиқишга ҳўқлидир: эркаклар – 60 ёшга тўлганда ва камида 25 йиллик иш стажига, аёллар – 55 ёшга тўлганда ва камида 20 йиллик иш стажига эга бўлганда (Қонуннинг 7-моддаси).

Бирок амакингиз технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хўсусиятининг ўзгаришига олиб келган

ишлар ҳўжмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг туғатилганлиги муносабати билан ишдан озод этилган ва ишсиз деб эътироф этилган бўлса, у камида 25 йиллик иш стажига эга бўлган тақдирда 58 ёшида пенсия тайинланиши учун мурожат қилиши мумкин. Аёллар камида 20 йиллик стажига эга бўлганда 53 ёшдан пенсияга чиқишлари мумкин (Қонуннинг 14-моддаси).

Маълумот учун!

Иш СТАЖИ иш, хизмат ёки иш стажига қўшилидиган бошқа фаолият жойидан ва архив муассасалари томонидан берилган ҳўжжатлар бўйича **БЕЛГИЛАНАДИ**. Шунингдек солиқ органлари томонидан берилдиган Пенсия жамғармасига сўгурта бадаллари тўланганлиги тўғрисидаги **МАЪЛУМОТНОМАЛАР** асосида ҳисобланади.

Мавзуйий сонни Алла Ромашко олиб боради.

Бизга ёзган экансиз

Стаж учун қаерга бориш керак?

? Қорамол ва парранда боқиш билан шугулланадиган шахслар базавий ҳисоблаш миқдорида ягона ижтимоий солиқни тўлаб, меҳнат стажига эга бўлишлари мумкинлиги ҳақида эшитиб қолдим.
Ушбу масала юзасидан қаерга мурожаат этиш мумкин?

– Ушбу масала юзасидан солиқ органларига, шунингдек яшаш жойидаги Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимига мурожаат қилиш лозим. Ягона ижтимоий тўлов яқка тартибдаги тadbиркорнинг (деҳқон хўжалиги аъзосининг) доимий яшаш

жойи бўйича солиқ органига хизмат кўрсатаётган банкларда очилган Пенсия жамғармасининг тегишли даромад транзит ҳисобрақамларига тўланади (Низомнинг 17-банди, ВМнинг 22.02.2016 йилдаги 46-сон қарорига 1-илова).

Пенсияга – мuddатидан олдин

? Мuddатидан олдин имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқини берадиган 9,8 йиллик иш стажига эгаман. Ҳозир пенсияга чиқиш вақти шундай стажга мутаносиб равишда ҳисобланаётганлигини эшитдим.
Шуни ҳисобга олган ҳолда, неча ёшимда пенсияга чиқа оламан?

– Меҳнат шароити зарарли ва оғир ишларда – эркаклар камида 6 йилу 3 ой, аёллар камида 5 йил – ишлаган ходимларга пенсия Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган пенсия ёши эркакларнинг бундай ишдаги ҳар 2 йилу 6 ои ичун ва аёлларнинг бундан ишдаги ҳар 2 йили ичун 1 йилга қисқартирилган ҳолда тайинланади (Қонуннинг 12-моддаси 2-қисми).

Талаб қилинадиган умумий ва махсус иш стажы бўлганда умумий белгиланган ёшдан 5 йил олдин пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 3-сонли рўйхати (ВМнинг 12.05.1994 йилдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган) бўйича пенсияга чиқиш ёшини аниқлашнинг бундай схемаси Имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар рўйхатларини қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага



3-иловада келтирилган (АВ томонидан 12.03.2012 йилда 2337-сон билан рўйхатдан ўтказилган):

Эркаклар		Аёллар	
махсус стаж	ёш	махсус стаж	ёш
6 йилу 3 ой	58 ёш	5 лет	53 ёш
7 йилу 6 ой	57 ёш	6 лет	52 ёш
10 йил	56 ёш	8 лет	51 ёш

Маълумот учун!

Ходимларга ва уларнинг оила аъзоларига (боқувчисини йўқотган тақдирда) пенсияга тайинлаш тўғрисидаги АРИЗА охириги иш жойи бўйича корхоналар, муассасалар, ташкилотлар маъмуриятлари орқали **ТАҚДИМ ЭТИЛАДИ**.

Маъзувий сонни Алла Ромашко олиб боради.

Бир шартга кўра

? 2001 йилдан 2019 йилгача Россия Федерациясида ишлаганман. Пенсия тайинлашда ушбу стаж ҳам ҳисобга олинадими?

– Чет элда, шу жумладан Россия Федерациясида ёлланган иш даврлари куйидаги шартларда меҳнат стажига қўшилади:

> 2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун – Пенсия жамғармасига тўланиши белгиланган сугурта бадаллари миқдори тўланганда;

> 2019 йил 1 январдан кейин давр учун – ягона ижтимоий тўлов тўланганда (Қонуннинг 36-моддаси).

Тўловлар тўланмаган тақдирда, бутун давр учун бир вақтнинг ўзида тўловлари амалга оширишингиз мумкин. Пенсия жамғармасига ягона ижтимоий тўлов миқдори олишни хоҳлаётган пенсия таъминоти миқдоридан келиб чиққан ҳолда, бироқ чет элда ишланган ҳар бир йил учун энг кам иш ҳақининг 4,5 бараваридан кам бўлмаган миқдорда мустақил равишда белгиланиши мумкин.

Келажак учун

? Қариндошларим қишлоқда яшайдилар, улар мева ва сабзавотлар етиштирадилар. Улар пенсия олиш учун ўзлари ПЖга сугурта бадалларини тўлашлари мумкинми? Жавоб ижобий бўлса, бунинг учун нима қилиш керак?

– **Ҳа, мумкин.** Шахсий ёрдамчи хўжаликларда қорамол боқиш ва етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш билан банд бўлган, шунингдек, шахсий ёрдам хўжаликларда қишлоқ хўжалик маҳсулотнинг бошқа турларини (ўсимликшунослик, чорвачилик, балиқчилик маҳсулотлари) етиштириш билан банд бўлган жисмоний шахслар бўйича ягона ижтимоий тўловни тўлаш деҳқон хўжалиги аъзоси учун белги-

ланган тартибда амалга оширилади (46-сон Низомнинг 3-банди). Ушбу масала юзасида улар яшаш жойидаги солиқ органларига, шунингдек яшаш жойидаги Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимига мурожаат қилишлари лозим.

Ҳар бир шахс бир йилда базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан кам бўлмаган суммада ягона ижтимоий солиқ тўлайди.

Бирйўла олиш мумкин

Отам 2 ойдирки опасининг уйида яшайди ва келишининг имкони бўлмаганлиги сабабли яшаш жой бўйича пенсиясини олмаяпти.

Карантин тугагандан кейин унга пенсиянинг ҳаммаси тўланадими? Пенсияни олиш учун қандайдир қўшимча ҳужжатлар зарур бўладими?

? – **Ҳа, олинмай қолинган пенсияларнинг ҳаммаси тўланади.** Пенсияга ҳисоблаб чиқариб қўйилган, лекин унинг томонидан ўз вақтида талаб қилиб олинмаган пенсия пули пенсияни олиш мақсадида мурожаат этилганидан олдинги 12 ойдан ошмаган давр учун тўланади (Қонуннинг 59-моддаси).

Олинмай қолиб кетган пенсияни олиш учун қўшимча ҳужжатлар тақдим этиш талаб этилмайди. Фақат яшаш жойидаги Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимига ўтган давр учун пенсияни олиш учун ариза билан мурожаат қилиш лозим.



Зафаржон Хўжаев, «Норма» МЧЖ эксперти.

Маълумот учун!

Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун ўртача ойлик иш ҳақи меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлганда, ёки иш ҳақи туғрисидаги **МАЪЛУМОТЛАР** мавжуд бўлмаган тақдирда, пенсия ҳисоблашнинг базавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда **ПЕНСИЯ ҲИСОБЛАНАДИ**.

Маъзувий сонни Алла Ромашко олиб боради.

Барча мажбуриятлар бажарилади

Коронавирус тарқалган даврда россияликларнинг иш ҳақи камайиб кетди, бунинг оқибатида РПЖга тушадиган маблағлар миқдори ҳам камайди.

РПЖ раҳбари Максим Топилин: «Ҳозир иш ҳақи фонди бироз камайганлиги сабабли даромадларда муайян пасайиш сезилмоқда» деб таъкидлади. Унинг аниқлик киритишига қараганда, жамғарма даромадларининг камайиши кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга доир янги имтиёзлар билан ҳам боғлиқдир.

Жамғарма раҳбарининг таъкидлашича, РПЖ жорий йилда ўз мажбуриятларини бажара олади. Унинг айтишича, жамғарма зарурат бўлганда камайиб кетаётган

даромадларни қоплаш учун молиявий ёрдам олиши ва ҳукумат билан узвий алоқада бўлиши мумкин.

Илгари бош вазир Михаил Мишустин апрелдан Россияда ишсизлик даражаси 3,5 бараварга ошишини маълум қилган эди, расман рўйхатдан ўтказилган ишсизлар сони деярли 3 млн кишини ташкил этди. Унинг айтишича, маҳаллий меҳнат бозорига коронавирус кучли таъсир кўрсатган.

Манба: vazhno.ru.

Пенсиядан олдинги тўловлар

РФда пенсияга чиқишдан олдинги имтиёзлар, нафақалар ва компенсациялар тўғрисида ва уларни қандай олиш ҳақида.

Пенсия ёшига яқинлашиб қолган фуқаролар учун кўпгина имтиёзлар федерал тусга эга, яъни мамлакатдаги барча фуқароларга татбиқ этилади. Уларни янги пенсия ёшидан 5 йил олдин олиш мумкин. Чунончи, бунинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Барча тўловлар ҳам автоматик тарзда амалга оширилмайди.

Ҳозирда пенсия ёшига яқинлашиб қолганларга имтиёзли ҳаракатланиш имконияти, бепул дори-дармонлар, УҚХ тўлови, шунингдек капитал таъмирлаш ҳақи бўйича чегирма берилади. Улар мол-мулк ва ер солиқларини тўламасликлари, бепул диспансеризация учун бир йилда ҳақ тўланадиган 2 кунни олишлари мумкин.

Бунинг устига пенсияга чиқишига 5 йил қолган шахслар ёши сабабли ишдан бўшатишдан ҳимояланиши, шунингдек ишга қабул қилишда ёши туфайли ҳуқуқлари камситилишидан ҳимояланиши лозим.

Кўп ҳолатларда пенсияга чиқиш арафасидагилар имтиёз олиш учун ўз мақомини тасдиқлаши шарт эмас. РПЖда муайян пенсия ёшига тўлганда тўловлар ва компенсациялар тўланиши лозим бўлган шахслар ҳақидаги маълумотлар бўлади. Фақат имтиёз тақдим этиладиган идорага ариза беришнинг ўзи етарли бўлади, у ерда барча зарур маълумотлар олинади.

Масалан, пенсияга чиқиш арафасидаги шахс турар жой учун мол-мулк солиғини ҳамда дала ҳовлиси учун ер солиғини тўлашдан озод этилади. Имтиёздан фойдаланиш учун солиқ органига ариза топширилади ҳолос. У ерда мутахассислар пенсияга чиқиш арафасида бўлган шахснинг мақомини тасдиқлаш мақсадига мустақил равишда РПЖга сўров юборадилар. Ушбу схема бўйича ишсизлик нафақасини ҳам олиш мумкин. Тўлов пенсия ёшига яқинлашиб қолганлар учун оширилган миқдорда тўланади.

Бундан ташқари, улар кўшимча дам олиш кунини олишга ҳақлидир. Бу кун диспансеризациядан ўтиш учун берилади, бунинг учун иш бевуви ҳақ тўлайди. Ишлайдиган пенсия ёши арафасидагилар ушбу ҳуқуқдан фойдалана олишлари учун РПЖ иш бевуви билан маълумотларни алмашади. Тегishли битим тузилганидан кейин бу автоматик тарзда амалга оширилади.

Айни пайтда ёш туфайли ишга қабул қилишни рад этаётган иш бевуви-лар учун қатъий жазо чоралари назарда тутилган. Бунинг устига, у яқинда пенсияга чиқадиган ходимларнинг ҳуқуқларини камситанлик учун тайинланади. Айниқса ишдан бўшатиш ҳақида сўз борганда.

Шуни унутмаслик кераки, пенсияга чиқиш арафасида бўлган шахсларнинг бандлигига кўмаклашиш учун касбий таълимлар ташкил этилади. Янги билим ва кўникмаларни эгаллаш учун, хусусан, аҳоли бандлигига кўмаклашиш хизмати органларига мустақил равишда мурожаат қилиш ёки иш бевувининг йўналиши бўйича таълим олиш мумкин. Дастлабки ҳолатда иш қидираётган банд бўлмаган шахслар учун туман коэффицентини мавжуд бўлганда унга оширилган МҲЭКМ миқдоридан стипендия назарда тутилган.

Шунингдек пенсияга чиқиш арафасидагилар учун минтақавий даражада имтиёзлар ҳам назарда тутилган. Масалан, уларга даволаниш жойига бориш учун йўл ҳақи компенсацияланади, санаторийларга бепул йўлланма берилади, уй телефони бўйича алоқа харажатлари қопланади ва ҳатто бирийўла пул маблағлари ҳам тўланади. Қисқаси, пенсияга чиқиши арафасидагилар амалда пенсияга чиқиб бўлган шахслар учун илгари берилган барча имтиёзларга ҳақли бўладилар.

Манба: life.ru.

P.S.

Ўзингизни текшириб кўринг

Газетамизнинг қанчалик зийрак ўқувчиси эканлигини текшириб кўрадиган вақт келди. Мабодо ниманидир эсполмай қолсангиз, хижолат бўлманг. «Норма маслаҳатчи»ни очиб, билимларингизни такрорлаб олишга доимо имкон бор. Омад ёр бўлсин!

1. Кексалар ва ногиронлар уйларида яшайдиган шахсларга пенсия тўланадими?

- а Тўланмайди.
- б Пенсия ва таъминот қиймати ўртасидаги фарқ, бироқ тайинланган пенсиянинг 10%идан, уруш ногиронларига 20%идан кам бўлмаган миқдорда тўланади. Руҳий ҳолати бузилган шахслар учун мўлжалланган интернат уйларида яшайдиган пенсионерларга пенсия тўланмайди.
- в Тайинланган пенсиянинг 30%идан кам бўлмаган миқдорда, уруш ногиронларига 50%идан кам бўлмаган миқдорда тўланади. Руҳий ҳолати бузилган шахслар учун мўлжалланган интернат уйларида яшайдиган пенсионерларга 30% миқдорда пенсия тўланади.

2. Қандай ҳолатларда ўқитувчи имтиёзли пенсия олишга мўлжал қилса бўлади?

- а «Мехрибонлик» уйларидаги иш даврида камида 25 йиллик стажи мавжуд бўлганда.
- б камида 25 йиллик стаж мавжуд бўлганда, бундан 10 йили – ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ишланган даврда тўпланган махсус стаж бўлиши керак.
- в синф тоифаларини ва улардаги ўқувчиларнинг энг кам сонини ҳисобга олган ҳолда ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ишланган даврда камида 25 йиллик стаж бўлганда.

Натижалар

Ҳар бир тўғри жавоб учун – **1 балл.**

Сизнинг натижангиз:

6 балл – аъло даражали натижа. Сиз пенсия таъминоти масалаларини яхши тушунасиз

3-5 балл – кўп нарсани билар экансиз. Билимларингиз янада юқори бўлиши учун «Норма маслаҳатчи»ни ўқинг ва ҳуқуқ соҳасидаги янгилıklarдан доимо бохабар бўлиб туринг.

3 ва ундан кам балл - афсус, сиз жуда кам билимга эгасиз. Эсдан чиқарманг, билим – куч демак. Билимларингиз айниқса пенсия ёшида сизга асқотиб қолади. «Норма маслаҳатчи» билан бирга бўлишга ҳаракат қилинг, шунда яхши натижани кўлга киритасиз.



3. Ҳозир ҳисобланган иш ҳақидан ШЖБПҲга неча фоиз ажратмалар ўтказилади?

- а а 0,1%.
- б б 0,3%.
- в в 0,5%.

4. Пенсия тайишлаш учун зарур ҳужжатларнинг асли ёки кўчирма нусхалари тақдим этиладими?

- а Фақат асл нусхалари.
- б Меҳнат дафтарчаси – асл нусхаси, маълумотномалар – электрон шаклда.
- в Маълумотномалар (иш ҳақи, ногиронлиги, оила аъзолари ва бошқалар тўғрисидаги) – асл нусхада, қолган ҳужжатлар – кўчирма нусхада.

5. Иш ҳақи сақланмайдиган таътил даври стажга қандай қўшилади?

- а Иш стажига қўшилмайди.
- б Фақат суғурта бадаллари тўланган тақдирда иш стажига қўшилади.
- в Суғурта бадалларидан тўланганидан қатъи назар иш стажига қўшилади.

6. Болалигидан ногирон шахслар неча ёшга ҳам боқувчисини йўқотганлик пенсияси, ҳам болалигидан ногиронлиги бўйича нафақа олишлари мумкин?

- а Бутун ҳаёти давомида.
- б 21 ёшгача.
- в 16 ёшгача.

16, 26, 36, 46, 56, 66.
Тури жавабдор:

Диққат! Ушбу саволларга батафсил жавоблар «Норма маслаҳатчи» газетасининг 14.04.2020 йилдаги 15 (768), 12.05.2020 йилдаги 19 (772), 30.06.2020 йилдаги 26 (779), 14.07.2020 йилдаги 28 (781)-сонларида чоп этилган

Маъзувий сонни Алла Ромашко олиб боради.

Қурилиш: коррупциянинг олдини олишда хорижий давлатлар тажрибаси қандай?

1-бетда

дунё бўйлаб капитал-қурилиш соҳасига ажратиладиган маблағлар ҳажми 2025 йилга келиб 70 фоизга ўсади ҳамда 14 трлн АҚШ долларига етади.

БМТ барқарор ривожланиш дастури, Еуропа комиссияси, Жаҳон банки, «Transparency international», «GIACC» каби халқаро ташкилотлар қурилиш соҳаси иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа секторлари орасида энг коррупциялашганини таъкидлайди.

2020 йилнинг апрель-май ойларида Бухоро ва Сирдарё вилоятларида бўлган воқеалар ҳам бажарилаётган ишларнинг сифатини очиқ кўрсатиб берди.

Қурилиш соҳасида коррупциянинг олдини олиш, коррупциявий хавф-хатарларни бартараф қилиш юзасидан муайян бир расмий халқаро ҳужжат мавжуд эмас. Шунга қарамадан, БМТ, Жаҳон банки, «Transparency international» ва бир қатор бошқа халқаро нотижорат ташкилотлари томонидан соҳада коррупцияни камайтиришга қаратилган таҳлилий ҳужжатлар тузиб чиқилган.

Жумладан, БМТнинг 2030 йилга қадар барқарор ривожланиш дастури (UNDP)га 17 та мақсад киритилган бўлиб, улардан 16 мақсад тинч, адолатли ва таъминланган жамият қуришни ўз ичига олади. Бунда 2030 йилга қадар барқарор ривожланиш дастурини рўйбга чиқариш учун бугунги кунда ҳар йили бир неча трлн долларлаб маблағларни «ўғирлаётган» жаҳон капитал-қурилиш тизимидаги коррупция бартараф этилиши лозим бўлган энг муҳим муаммолар сирасига киритилган. Соҳада коррупцияни бартараф этиш ҳамда шаффофликни тарғиб қилишга қаратилган тадбирларни муваффақиятли олиб бораётган халқаро ташкилотлардан бири сифатида «CoSt» халқаро шаффоф қурилиш дастурини олиш мумкин. Мазкур дастур 2012 йилдан бери фаолият олиб боради. Бугунги кунда 15 та мамлакат билан ҳамкорликда тадбирлар ташкил этиб келмоқда. Тадбирлар давомида соҳада коррупцияни бартараф этиш учун давлат қаридларини амалга ошириш юзасидан олиб борилган барча маълумотларни ошкор қилиш ҳамда тендер (танлов) жараёни ва натижалари барча учун очиқ бўлиши тавсия қилинган.

Мазкур ташкилот томонидан унга аъзо бўлмаган давлатлардаги фуқаролар учун қурилиш тизимида коррупциянинг олдини олишга қаратилган алоҳида қўлланмалар ишлаб чиқилган. Ташкилотга аъзо давлатларга эса йирик қурилиш объектларида ўзининг қўшимча аксилкоррупцион экспертизасини тақлиф қилади. Бундай амалий тадбирлар айрим давлатлар учун бюджет маблағларини сақлаб қолишга сабаб бўлган.

Жумладан, ташкилот экспертлари томонидан Гватемалада давлат органи мақсабдор шахслари томонидан аслида барқарор турган кўприкни таъмир-талаб ҳолатда деб кўрсатиб, унда 5 млн АҚШ доллари миқдоридagi қурилиш-таъмирлаш ишларини фавқулодда тез тартиб-таомиллардан фойдаланиб, танловсиз таниш бўлган пудратчига топширилгани

аниқланган. Натижада шартнома бекор қилиниб, бюджет маблағлари сақлаб қолинган.

Мазкур ташкилот ННТ сифатида капитал-қурилиш тизимида жамоатчилик назоратини амалга оширишни, барча даражадаги мансабдор шахсларга маҳаллий ОАВдан кўра самарали босим ўткази олишни ҳамда маҳаллий пудратчи ташкилотларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб келишини таъкидлаб, аъзо бўлмаган давлатларни ҳамкорликка чақирган. Юртимизда ҳам шу каби ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Соҳада шаффофликни тарғиб қилувчи халқаро дастурлардан яна бири сифатида 2012 йилда Жаҳон банкидан алоҳида дастур сифатида ажралиб чиққан «Open contracting partnership» дастурини олишимиз мумкин. Мазкур ташкилот давлат органлари, ташкилот, идора ва муассасалар ҳамда давлат эгалигидаги корхоналар томонидан ўтказилган ҳар қандай давлат харидларини интернет тармоғида очиқ эълон қилиб боришни тарғиб қилади. Бугунги кунга қадар ушбу ташкилот дастурини 30 дан ортиқ давлат имплементация қилган бўлиб, мазкур давлатлар томонидан ушбу ташаббус юқори даражада баҳоланган.

Дастурнинг асосий қоидаларидан бири капитал-қурилиш соҳасида давлат харидларини амалга оширишда, ер танлаш, лойиҳа ишларини олиб бориш, экспертизадан ўтказиш, тендер савдоларини ўтказиш, пудратчи билан шартнома тузиш, қурилиш ишларини олиб бориш ҳамда объектни қабул қилиш жараёнида расмийлаштириладиган барча ҳужжатларни онлайн платформада битта ҳужжатлар пакетига йиғиш ҳамда жамоатчиликка эълон қилиш ғояси саналади. Шунингдек, дастур томонидан эълон қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати, ушбу ҳужжатларнинг барча давлатлар учун ягона намуналари ҳамда мазкур ҳужжатларда кўрсатилиши лозим бўлган маълумотлар рўйхати ҳам ишлаб чиқилган.

Капитал-қурилиш тизимида коррупцияни бартараф этиш билан глобал даражада шўғулланувчи махсус халқаро ташкилотлар сони у қадар кўп эмас ва уларнинг аксарияти ХХ асрнинг бошларидагина фаолиятини бошлаган. Улар орасида энг биринчилардан бири сифатида 2008 йилда британиялик ички адвокат томонидан ташкил этилган Қурилишда коррупцияга қарши кураш глобал марказини кўрсатиш мумкин. Мазкур ташкилот томонидан капитал-қурилиш соҳасида 12 та коррупцияга қарши кураш бўйича минимал стандартлар эълон қилинган. Улар орасида шаффофлик ва қулай ахборот қидирув тизимини ташкил қилиш, ички ва ташқи аудит ҳамда комплаенс-назорат тизимларини жорий этиш мавжуд.

Юқорида қайд этилган стандартлар капитал-қурилиш соҳасининг ҳам давлат, ҳам нодавлат сектордаги субъектларга қаратилган умумий стандартлар бўлиб, уларнинг кўпчилиги у ёки бу шаклда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидан ўрин олган. Шу ўринда юқоридагилардан «комплаенс назорат» тизимини жорий қилиш бўйича ўрнатилган стандарт ҳам миллий қонунчилигимиздан ўрин олиши коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш учун хизмат қилган бўлар эди.

Хорижий экспертлар томонидан соҳада коррупциянинг олдини олиш юзасидан берилган тавсиялар-

да одоб-ахлоқ қоидаларига тааллуқли тавсияларни кўп учратиш мумкин.

Масалан, дунёнинг коррупцияга қарши кураш бўйича етакчи ташкилотларидан бири бўлган «Transparency international» ташкилоти томонидан қурилиш соҳасида давлат харидларини олиб борадиган ҳар қандай орган ёки ташкилотлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қатъий қоидаларни ўз ичига олган одоб-ахлоқ қоидаларини тузиб чиқишлари ва унинг ичига манфаатлар тўқнашуви, коррупция тўғрисида хабардор қилиш ҳамда хабар берган шахсларнинг ҳимоясини таъминлашнинг механизмларини яратишлари лозимлиги белгиланган.

Юқоридаги аксарият фундаментал талаблар бўйича юртимизда бирор-бир амалиёт мавжуд эмас.

Жумладан, капитал-қурилишда давлат назоратини олиб боришчи орган ҳамда корхоналарни тузиб чиқишнинг одоб-ахлоқ қоидалари ишлаб чиқилмаган бўлиб, бу борада идораларда коррупция ҳолатларига йўл қўймаслик тўғрисида ходимларга йиғилиш ўтказиб, ўқитиш ва йиғилиш баёни тузган ҳолда расмийлаштириш каби самарасиз ҳамда кўзбўямачиликка асосланган амалиёт сақланиб қолган.

Қолаверса, қурилиш соҳасида жамоатчилик назорати ҳамда шаффофлик институтларини қўллаш ўрнига тендер (танлов) савдоларини ўтказишда талабгорларнинг тақлифларини ўрганиш ва баҳолаш, шунингдек, тендер қолибини аниқлаш ёпиқ йиғилишларда ўтказилиши ҳамда тақлифларни ўрганиш ва баҳолашга оид ахборот ошкор қилинмаслиги талаблари Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан буюртмачиларга «намуна» қилиб берилганини қандай ташувиш мумкин?

«Transparency international» халқаро ташкилотининг халқаро инвесторлар орасидаги нуфузини ҳамда ундаги коррупцияни қабул қилиш индексида Ўзбекистон Республикаси 180 та давлат орасида 153 ўринни эгаллаганлигини инобатга олиб, соҳадаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси ҳамда буюртмачи хизмати функциясини бажарувчи барча компанияларда юқорида назарда тутилган одоб-ахлоқ қоидаларини тузиб чиқиш мажбуриятини юклаш, тендер савдоларида жамоатчиликнинг иштирок этиш ҳуқуқини таъминлаш ҳамда тендер савдолари натижаларини жамоатчилик учун очиқ эълон қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Миршод Хўжаев,
Бош прокуратура академияси
магистратура тингловчиси.

ЎЗА материали асосида.



Реклама

«Жавоб берамиз» инфокиоскига хуш келибсиз

Солиқ солиш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳуқуққа оид мавзулардаги саволларингизга электрон қўлланмалар ва газета материаллари муаллифлари жавоб берадилар.

Жавобларни portna.uz сайтидаги «Жавоб берамиз» эксперт хизмати электрон ахборот киоскисидан топасиз.

Саволларни қуйидагича бериш мумкин:

- ✓ аввал portna.uz сайтида рўйхатдан ўтиб, мурожаатни электрон кўринишда жўнатган ҳолда;
- ✓ (71) 200-00-59 бевосита алоқа телефони орқали (душанбадан жумагача соат 10.00 дан 17.00 гача).

«КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»
Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз
Тошкент ш. Миробод тумани,
Талғимаржон ўз. 1/1. Тел. (71) 200-00-90.
E-mail: office@portna.uz, web: www.portna.uz

Томорқа ерларига сув чиқариш учун давлат субсидия ажратади



Вазирлар Маҳкамаси «Сув таъминоти оғир ҳудудлардаги аҳоли томорқалари ва қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ер майдонларига сув чиқариш ишларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни (30.07.2020 йилдаги 459-сон) қабул қилди.

Ҳужжат Президентнинг 30.06.2020 йилдаги «Аҳоли томорқаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4767-сон қарорига мувофиқ қабул қилинган.

Давлат сув таъминоти оғир ҳудудлардаги аҳоли томорқалари

ва қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ер майдонларини суғориш учун вертикал суғориш кудуқларини бурғулаш, дарёлар, каналлар ва бошқа сув объектларидан сув чиқариш воситаларини сотиб олиш ва ўрнатишга субсидия ажратади.

Субсидиялар қуйидаги шартлар ва миқдорларда ажратилади:

➢ қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ҳар бир гектар ерни фойдаланишга киритиш билан боғлиқ харажатларнинг 50%, бироқ БҲМнинг 50 баробаридан ошмаган миқдорда;

➢ аҳоли томорқа ерини суғориш учун чуқурлиги 10 метрдан ортиқ бўлган ҳар бир вертикал суғориш кудуғини бурғулаш ва ишга тушириш билан боғлиқ харажатларни қоплашга кудуқнинг ҳар бир метр чуқурлиги учун 100 минг сўмдан, бироқ БҲМнинг 50 баробаридан ошмаган миқдорда;

➢ камида 30 та аҳоли томорқа ерларини суғориш учун вертикал суғориш кудуқларини бурғулаш ва ишга тушириш билан боғлиқ харажатларнинг 70%, бироқ 120 млн сўмдан ошмаган қисми қопланади.

Шунингдек, ҳужжат билан қуйидагилар белгилади:

➢ Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (кейинги ўринларда – Фермер хўжаликлари кенгаши) Маҳалла

ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда ҳар йили 1 апрель ва 1 августга қадар сув таъминоти оғир ҳудудлардаги аҳоли томорқаларида бурғуланадиган вертикал суғориш кудуқларининг манзилли дастурини шакллантиради ва тасдиқлайди;

➢ субсидиялар Фермер хўжаликлари кенгаши томонидан Сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда тасдиқланадиган рўйхатга асосан 2020-2021 йилларда Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ҳисобидан ҳамда 2022 йилдан бошлаб – Фермер хўжаликлари кенгаши ҳузуридаги Фермер, деҳқон хўжалиги ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 30.07.2020 йилдан кучга кирди.

Баҳодир Қаюмов.

Пандемияга қарши курашиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар жорий этилмоқда

Вазирлар Маҳкамасининг «Коронавирус инфекциясини юқтирган беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (4.08.2020 йилдаги 461-сон) билан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Зангиота туманида ихтисослашган тиббиёт мажмуалари негизда коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларни даволашга мўлжалланган махсус «1-сон Зангиота» ва «2-сон Зангиота» шифохоналарини ташкил этиш тўғрисида таклифга розилик берилди.

Қуйидагилар тасдиқланди:

➢ коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларни даволашга мўлжалланган махсус «1-сон Зангиота» ва «2-сон Зангиота» шифохоналари тузилмаси;

➢ махсус «1-сон Зангиота» ва «2-сон Зангиота» шифохоналарида беморларга хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган тиббиёт ходимлари ва бошқа ходимларнинг нормативлари.

Белгиланишича, махсус шифохоналар:

➢ Соғлиқни сақлаш вазирлигининг юридик шахс мақомига эга бўлган давлат муассасаси шаклидаги таркибий бўлинмаси ҳисобланиб, мустакил балансга ҳамда шахсий газна ҳисобварақларига эга бўлади;

➢ ушбу шифохоналарнинг директори ва унинг ўринбосарлари соғлиқни сақлаш вазирли томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

➢ малакали тиббий хизматлар кўрсатишни ташкил этиш мақсадида бошқа тиббиёт муассасаларидан тиббиёт ходимлари, ёрдамчи ва техник ходимларни жалб қилиш ҳуқуқига эга.

Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятида коронавирус инфекциясини юқтирган шахсларни даволаш мақсадида ташкил этиладиган вақтинчалик шифохоналар қуйидаги муассаса ва тузилмаларга бириктирилади:

Ўзбекистон гимнастика федерациясининг «Универсал» спорт мажмуасида (750 ўринга мўлжалланган) – ИИВ марказий госпиталига;

«Ўзэкспомаказ» МКК АЖ 1 ва 2-сон павильонида (814 ўринга мўлжалланган) – Мудофаа вазирлигининг марказий ҳарбий клиник госпиталига;

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг «Назарбек» соғломлаштириш масканида (350 ўринга мўлжалланган) – Миллий гвардия ва «Ўзбекистон темир йўллари» АЖга;

Ёшлик спорт мажмуасида (520 ўринга мўлжалланган) – ДХХнинг марказий ҳарбий госпиталига;

«Ўзэкспомаказ» МКК АЖ 3 ва 4-сон павильонида (1000 ўринга мўлжалланган), Сергели туманидаги 2-сон Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида (250 ўринга мўлжалланган), Олимпия захиралари спорт саройида (500 ўринга мўлжалланган) – Тошкент шаҳар ҳокимлигига.

Шунингдек, қарорда махсус ва вақтинчалик шифохоналар фаолиятини ташкил этиш, асбоб-ускуналар, дори воситалари билан таъминлаш, молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш, тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш тартиби белгиланган.

Марказий ва оилавий поликлиникалар негизда ташкил этиладиган махсус поликлиникалар («COVID марказ») ходимларининг лавозим маошига 6% миқдорда ҳар кунлик қўшимча тўловлар ўрнига қуйидаги миқдорларда ҳар ойлик моддий рағбатлантириш тўловлари белгилади:

врач ходимларга - 2,5 млн сўм;

ўрта тиббиёт ходимларига - 1,5 млн сўм;

кичик тиббиёт ходимларига - 1 млн сўм;

бошқа ходимларга - 500 минг сўм.

Амбулатор поликлиникалар қошида ташкил этилган мобил бригадалар ходимларига тунги вақтда ва байрам кунлари ишлаганлиги учун белгиланган миқдорларда ҳақ тўланиши назарда тутилмоқда.



Шифохоналар, беморлар билан алоқа қиладиган тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ходимлари ва бошқа ходимларга ҳар 14 кунлик фаолият даври учун Президентнинг «Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишга жалб қилинган тиббиёт ва санитария-эпидемиология хизмати ходимларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига (26.03.2020 йилдаги ПҚ-4652-сон) мувофиқ махсус қўшимча рағбатлантириш тўловлари тўланади. Шифохоналар раҳбарларига мазкур тўловларни заруратга қараб, кунбай тарзда тўлаш ҳуқуқи берилди.

Транспорт вазирлигига соғайиб чиққан беморларни ҳамда шифохоналарнинг тиббиёт ходимларини ташқиш учун керакли миқдорда автобуслар ажратиш топширилди.

Божхона қўмитасига Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар доирасида мурувват ёрдами тариқасида жорборилган ва лозим даражада расмийлаштирилмаган ҳомийлик ёрдами ва юкларни истисно тариқасида, божхонадан чиқарилиши ва тақсимланиши бўйича зарур амалий ёрдам кўрсатиш топширилди.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 4.08.2020 йилдан кучга кирди.

Лола Абдуазимова.

Ихтисосия – ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛЛИКЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «НОРМА» МЧЖ

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.

Рўйхат рақами 0074.

Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
ўринбосари,

масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Саҳифаловчи

Раъно

ИСМАИЛОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Таҳририят тел. (71) 200-00-90
Обуна бўлими тел. (71) 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
эпкэзиб бериш ва харид қилиш
масалалари бўйича (71) 200-00-30;
«НОРМА» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90;
Рекламини жойлаштириш бўйича
(71) 231-07-91 телефон рақамларига
муносабат қилиш мумкин.

Газета ношир – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Нашр кўрсатиши – 186. Ҳар ҳафта – 2 босма таъбиқ. Баҳор ва кўнглинган нарҳда.
Буортма г-822. Адади 560. Газета 2020 йил 10 август соат 15.30 да топширилди.